# ДИҚҚАТ ! КИМОШДИ САВДОСИ

*Шу йил 28 майда Наманган шаҳрида маданий-маиший бинолар ва қурилиши тугалланмаган иморатларнинг навбатдаги кимошди савдоси ўтказилади.*

11.Чортоқ район, Янгиобод маҳалласида жойлашган **"Ҳаммом"** биноси. Алоҳида бир қаватли, ғиштли. Бинонинг ҳолати ўртача. Бир йўла 26 кишини қабул қила олади. Ҳаммом мавжуд жиҳозлари билан бирга савдога қўйилмоқда. Ҳозирги кунда ҳаммом ишламаяпти.

***Бошланғич баҳоси - 62 млн. сўм-купон.***



12. Чортоқ шаҳридаги спорт-соғломлаштириш мажмуи қурилиши. 1 қаватли, йиғма бетон ва металл конструкциялик. Чортоқ туман ва шаҳри ҳокимлиги тавсияга биноан савдога қўйилмоқда. Шаҳар марказида жойлашган. Қурилиш ишлари 20 фоизга бажарилган.

***Бошланғич баҳоси - 20 млн. сўм-купон.***



1. Ўрта Осиё темир йўли Фарғона бошқармасининг Наманган ишчи таъминот бўлими тасарруфидаги Наманган шаҳар Бобораҳим Машраб истироҳат боғида жойлашган **"Бухоро"** чойхонаси. Чойхона асосан темир-бетон конструкцияларидан шарқона меъморчилик услубида қурилган бўлиб, ўртасида 28x15 метрли сув ҳавзаси, фаввораси /бассейн/ мавжуд.



***Бошланғич баҳоси - 23 млн. сўм-купон.***



2. Норин тумани Хаққулобод шаҳрида жойлашган **"Оталар"** чойхонаси. Алоҳида, 2 қаватли, иккинчи қавати айвондан иборат.

80-100 ўринли, миллий усулда безатилган. Туман матлубот уюшмаси ҳиссадорлик жамиятига қарашли. Ҳозирда ишлаяпти.

Фақат 5 киши ишлайди. Банкетлар ва катта маросимлар учун етарли шароитга эга. Ташқи кўриниши турли нақш ва ёғоч ўймакорлиги билан безатилган. Бир йўла 80 кишига хизмат кўрсата олади.

***Бошланғич баҳоси - 145 млн. сўм-купон.***

10. Наманган шаҳридаги 8-ҳаммом. 1 қаватли, ғиштли, шаҳар марказида жойлашган, миллий услубда қурилган. 2 та умумий ва 5 та алоҳида хонаси бор. Ҳаммом ичида аёллар ва эркаклар сартарошхонаси ҳамда алоҳида қозонхонаси мавжуд. Ҳозирги кунда ишлаяпти. Сув, газ ва электр билан таъминланган.



***Бошланғич баҳоси - 250 млн. сўм-купон.***





3. Янгиқўрғон тумани марказидаги **"1001 кеча"** қаҳвахонаси. Алоҳида, бир қаватли, йўл бўйида. Туман савдо и/ч ҳиссадорлик жамиятига қарашли.

Бино майдонида 30x15 метр. Қаҳвахонанинг ички ва ташқи кўриниши яхши ҳолатда. Газ, сув ва электр билан таъминланган.

Ишчилар сони 5 та. Бир вақтнинг ўзида 60x70 кишига хизмат кўрсата олади.

***Бошланғич баҳоси - 93 млн. сўм-купон.***



9. Чортоқ шаҳар 2-даҳасида жойлашган **"Покизахона"** /маиший хизмат кўрсатиш уйи/. 2 қаватли бино. Таркибида сартарошхона, кир ювиш комбинати, химиявий тозалаш хонаси, кутубхона, ҳаммом, тўқимачилик хонаси жойлашган.

Бино алоҳида қозонхонага эга. Объект ишлаб турган жиҳозлари билан бирга сотилади. Ишчилар сони 35 нафар.

***Бошланғич нарҳи - 400 млн. сўм-купон.***



4. Уйчи тумани марказидаги **"Уйчи"** чойхонаси. Автовокзал ёнида, Наманган шаҳридан 13 км. узоқликда жойлашган. Ички ва ташқи қисмлари ёғоч ўймакорлиги ва турли ўзбекона нақшлар билан безатилган. Бир қаватли, қишки ва ёзги хоналари бор. 75-100 кишига хизмат кўрсата олади. Чойхона айвонида ҳам ўтиришга мўлжалланган жойлар бор. Бинонинг майдони 28x16 метр. Ишчилар сони 10 та. *"Уйчи"* жамоа хўжалигига қарашли.

***Бошланғич баҳоси - 85 млн. сўм-купон.***



8. Уйчи тумани марказидаги матлубот уюшмаси ҳиссадорлик жамиятига қарашли 8 хонадонли турар жой. Икки қаватли. 4 та 2 хоналик ва 4 та 3 хоналик, ғиштли, атрофида 2 қаватли турар жой массиви бор.

Уйчи туман марказидан 500 метр узоқликда жойлашган. Қурилиш ишлари 80 фоизга бажарилган.

***Бошланғич баҳоси - 90 млн. сўм-купон.***



6. Наманган шаҳар, Совет тумани, Дўстлик шоҳ кўчаси **"Китоб савдо"** уйи. Лойиҳа смета ҳужжатларига асосан қурилиш монтаж ишлари ҳажми 20 фоизга бажарилган.

36x30 метр қисми 2 қаватли, 12x24 метр қисми 1 қаватли, йиғма темир бетонли қурилиш майдони 2448 м. кв. қайта савдога қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси - 336 млн. сўм-купон.***



5. Косонсой туман **"Косонсой"** дам олиш масканидаги *"Сўлим"* ошхона-чойхонаси. Алоҳида, бир қаватли, ёғоч ва маҳаллий материаллардан қурилган. 30 ўринли, ёзги мавсумда 70-80 хўранда қабул қила олади. Косонсой сойи бўйида жойлашган. Сув ва электр билан таъминланган. Бинонинг майдони 10x30 метр. Ошхона ташқарисида ҳам 6 та ўчоқ ва бир неча сўрилар мавжуд.

***Бошланғич баҳоси - 31 млн. сўм-купон.***



7. Наманган туман **"Ғайрат"** жамоа хўжалигига қарашли 26 ўринли *"Ҳоммом"* қурилиши. Майдони 26x18 метр. Наманган шаҳридан 2 км. узоқликда жойлашган. Бино пойдевори қурилиши тугалланган. Умуман қурилиш ишлари 10 фоизга бажарилган.

***Бошланғич баҳоси - 20 млн. сўм-купон.***

***КИМОШДИ САВДОСИГА ҚАТНАШИШНИ ИСТАГАНЛАР АРИЗАЛАР БЕРИШИ ВА ИМОРАТЛАРНИНГ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИНИНГ 10 ФОИЗИ ҲАЖМИДА ШИРИНКОМАСИНИ ТЎЛАШИ ЗАРУР. САВДОСИ БЎЛМАГАН ИМОРАТЛАРГА БЕРИЛГАН ШИРИНКОМА ЭГАЛАРИГА ҚАЙТАРИЛАДИ.***

*Кимошди савдоси Наманган шаҳрида тубандаги манзилгоҳда ўтказилади:*

***Машраб кўчаси, 2-уй. ХДП вилоят кенгаши биносида, соат 10.00 да.***

Савдога қатнашадиганлардан аризалар 25 майгача қабул қилинади.

**Алоқа учун телефонлар:**

/36922/ 6-36-38, 6-82-45, 6-89-13, 6-55-73.

